

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 18 апрель Шанба. № 29 (144122)

«КАМОЛОТ» -- ЁШЛАР ТАЯНЧИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисидаги Фармони асосида ташкил этилганлигига икки йил тўлди. Қисқа муддат ичида мазкур жамғарма ёшлар ҳаётида ўз ўрнини топди.

Жамғарма қошида Республика ҳуқуқшунослар ассоциацияси билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунчиликни мустақамлашга кўмаклашиш мақсадида «Камолот-Қонун» ҳуқуқий маркази фаолият кўрсатмоқда.

Барча ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлов мунтазам ўтказилмоқда. Шу йилнинг май ойида унинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

1997 йилда Республика Мудофаа, Ички ишлар вазирилари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда 900 га яқин ўсим ёшлар учун ёғни ҳарбий спорт ўйингоҳи ташкил этилди.

Бельгия Қироллиги Бош вазири жаноб Жан -Люк Деханенинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунлари бўйича ҚЎШМА БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифи биноан, Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан -Люк Дехане 1998 йил 17 - 18 апрель кунлари расмий ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига бўлди. Бельгия Бош вазирининг Ўзбекистонга биринчи ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Жаноб Дехане ўз ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари билан учрашди. Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди.

Томонлар икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ва иккала томонни ҳам қизиқтираётган муҳим ҳалқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Бу ташриф икки томонлама муносабатларни кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлиб, ҳамкорликнинг барча соҳаларида бу муносабатларни янада ривожлантиришга катта туртки берди. Иккала томон 1996 йил 13 ноябрда имзоланган Қўшма сиёсий декларация қоидаларига содиқлигини тасдиқлади.

Томонлар ўз мамлакатларидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида, шунингдек, ҳукуматларнинг келажаққа мўлжалланган асосий устувор дастурлари тўғрисидаги ахборотларни айирбош қилдилар. Бельгия томони Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни яна бир бор тасдиқлади ва бу йўналишдаги сўй-ҳаракатларни давом эттириш муҳим эканини таъкидлади.

Томонлар саноат, савдо ва инвестиция соҳасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бердилар. Бельгия Бош вазири Бельгия иқтисодий делегациясининг 1996 йил июнида Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли ўтганини таъкидлаб, Бельгия ишбилармон доиралари ўзларининг мамлакат иқтисодиётидаги

иштирокини ва мамлакатга жалб этилиши йўллари билан бундан бундан ҳам ўрганишга интиладиганини билдирди.

Музокара чоғида томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Европа ва Трансатлантик ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашдилар. Бельгия томони илгари халқларни бир-биридан ажратиб турган ва бундан кейин ҳам ажратиши мумкин бўлган барча омиллари барта-раф этиш мақсадида жаҳоншумул Европа тузимасини янада ривожлантириш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Шу маънода томонлар Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида 1996 йил 21 июнда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг муҳимлигини таъкидладилар. Томонлар бу Битимни имкон қадар қисқа муддатда ратификация қилиш зарурлигини қайд этдилар.

Томонлар барқарорликни, хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш кенг қўламли Умумевропа нуқтаи назаридан катта аҳамиятга молик эканини ақдидлик билан таъкидладилар. Томонларнинг фикрича, барча давлатлар бу жараёнга кўмаклашиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиши зарур.

Томонлар атроф-муҳит масалаларига алоҳида эътибор беришнинг муҳимлигини қайд этдилар. Бу ўринда Орол денгизининг экологик ҳолати масаласига алоҳида эътибор берилди. Мазкур минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамият биргаликда ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент, 1998 йил 17 апрель

Бельгия Қироллиги Бош вазири Ж.Л.ДЕХАНЕ

Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кўнлари ҚАДИМИЙ ҚАРДОШЛИК

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Қирғизистон маданияти кўнларининг очилиши бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат махриялари янгради.

Серкўёш Ўзбекистон заминига қардош қирғизистонлик меҳмонларни республикамиз Президентини ва ҳукумати номидан табриклашга ижозат бергани билан, деди Бош вазири ўринбосари А.Азиз-хўжаев. - Бугун мустақим «Туркистон» саройида учрашув тўғрисидаги маърузани ҳам раъзи маъноси бор. Мустақиллик Туркистон

халқларнинг, жумладан, ўзбек ва қирғизнинг ўзаро яқинлашувида имкониятлар яратиб берди. Бу имкониятни тўғри англаб етиш ва уни халқларимизнинг ҳар жиҳатдан ривожланган жамияти куриш йўлидаги инти-лишларига хизмат этириш бизнинг энг масъуляти, энг шарафли ишимиздир.

М а м л а т л а р и м и з раҳбарлари Ислам Каримов ва Аскар Акаев имзоланган иккала давлат ўртасидаги достлик, ҳамкорлик тўғрисидаги хужжатлар бунинг ёрқин мисолидир.

- Азиз Ўзбекистонлик биродарларим. - Республикамизда Қирғизистон маданияти кўнларига катта эътибор

берилётганидан гоёт ҳурсанд бўлдик, - деди Қирғизистон Республикаси Давлат Котиби Э.Абдураззоқов. - Қирғиз ва ўзбек минг йиллардан бери бир-бирини тушуниб, дўст-биродар бўлиб яшаб келмоқда. Бу катта бойлик. Ана шу бойликнинг қадрига етиш лозим. Ўзбекистон санъати ва маданияти бизнинг халқимизга жуда яқин. Ўзбекистонга келганда биз бегона юртга эмас, қардошлар дегенга, оға-иниларимиз бағрига келгандек сезамиз ўзимизни. Бугун бошланган Қирғизистон маданияти кўнлари икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустақамлаб, санъаткорлар, адиб-

лар, барча ижод аҳлини ва умуман халқларимизни бирлаштиришга муҳим ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Қирғизистонлик меҳмонлар ўзбек қардошларига қорли Олатов ва унинг яқинлари акс эттирилган тасвирий санъат асарини тақдим этди. Уларга ўзбек қуллолари ясаган рангдор кўза совға қилинди.

Таъбир қирғизистонлик санъат усталари концерт билан якунланди. Қирғизистон маданияти кўнлари очилишида Ўзбекистон Президентининг Давлат махриятисига У.Раҳматов қатнашди.

ҚУШЛОҚДА ҲАМ БОЙЛАР БОР...

Кейинги пайларда матбуотда, радио ва ойна жаҳонда қишлоқ муаммолари ҳақида кўп гапирляпти. Аиниқса, у ердаги ёшларнинг аксарият қисми ишсиз қолаётгани кўпчиликнинг ташвишлигини ташвишлантирмоқда. Бу яхши, албатта. Лекин қишлоқларда ҳам замон билан ҳамнафас яшаётган йигит-қизлар анчагина. Нокамтарлик бўлса-да,

вақтимизда пишиб-етилди. Яна пойтахт бозорларига йўл олдим. Эрта етиштирилган ҳосил ҳар доим юқори баҳога сотилади. Қайтишда яна «отчопар» бозорига «кириб» ўтдим.

Эрта етилган тарвузнинг ўрнига мош ва ло-вие эдиқ, уларнинг ҳам ҳосилини йигитиригач, кечки макка сепдик. Дехқон етиштирган маҳсулотини керакли жой-

Мелъурндаги тақдимот

Австралиянинг Мелъурн шаҳрида ЮНЕСКО шафелида «XXI асрда Осиё-Тинч океани минтақасида таълим муаммолари» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлди. Унда жаҳондаги 62 мамлакат делегатлари иштирок этди. Анжуманда МДХ давлатлари билан фақат Ўзбекистон вакили - Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг биринчи проректори Доийёр Обидов қатнашди.

булади. Анжуманда иштирок этган мамлакатлар орасида фақат Ўзбекистон келгуси асрда мўлжалланган таълим тизимини ривожлантиришнинг бир бутун концепциясини тақдим этди. Анжуманда республикамизнинг Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурини тақдим этиш ва бу дастур билан таништириш маросими бўлди. Делегатлар Олий Мажлисининг IX сессиясида Президентимиз Ислам Каримов сўзлаган нутқининг асосий қондалари билан қизиқиб танишдилар. Президентнинг бу нутқи Олий бўла ўрта махус таълим вазирилик томонидан тайёрланган ва инглиз тилида нашр этилган тўпلامга «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққийининг пойдевори» номи билан киритилган.

Анжуман иштирокчиларининг Миллий дастурни амалга ошириш борасидаги

Келажақда орзуларим амалга ошиб катта сармо-яга эга бўлсам, биринчи ўринда қишлоғимиздаги мактабни таъминлашга ва яхши ўқийётган ўқувчиларга рағбатлантирувчи стипендия бериш учун пул ажратардим.

Чет элдан йирик бир фирма соҳибининг қуйида-ги фикри менга жуда ёққан: энг самарали сар-моя -- таълим соҳага қўйилган сармоядир.

Тахририятга хат


вишлантириб қўйди. Қўлимда бирор ҳунарим ёхуд тайинли бир иш жойим йўқ, тоқай ота-онам қўлига қараб яшайман?

Асли суғимиз дехқончиликда қотган. Шу сабаб-ли, қўлимга кетмонни олиб, ёзи билан астойдил меҳнат қилдим. Ҳосил ҳам шунга яраша бўлди. 4 тон-на картошкани Тошкент бозорларига келтириб сотдим. Фойдасига отчопар-б о з о р и д а н қишлоқдошларим учун зарур бўлган майда-чуйда олиб кетиб сотдим. Отам-нинг маслаҳатлари билан қолган фойдамга саккизта қўй олдим. Биз томонда қўй-адирлар кўп. Баҳорда адирнинг этагига узун ариқ қазиб, терак қаламчаларини солиб чиқдим. Ҳамма-си бехато кўкарди. Хўжаликдан яна ярим гек-тар қўй сотиб олиб, плен-ка остида тарвуз эқдим. Парвариш меъёрида бўлганидан, қўзлаган

тирди. Сони йигирмадан ошиб қолган қўйлари ҳам сотиб, ўрнига (Германия-нинг пулига қўшиб) 9 та буюк олдим. Тўғриси айтсам, хуеусий ферма ташкил қилишни ният қилганман. Шу мақсадда, Тошкент қишлоқ хўжалик коллежи-нинг фермерлик ихтисос-лиги бўйича сиртдан ўқийшга кирдим.

Абдуқадир НАСРИДДИНОВ, Чуст тумани, Мирзобод қишлоғи

ЎЗАМЛИК ШАЙДОЛАРИ



Жаҳон тиллари давлат университети талабалари Шю-ра Бақоева, Елена Нурматова ҳамда Ноира Аҳмедова ўзаамлик шайдоларидир. Улар миллий қадриятларимизга оид санъат асарларини томоша қилишни ёқтиришади.



1997 йилда вилоятлардаги олий ўқув юртлари ҳамда ўрта мактаблардан 61 нафар истеълодли талаба ва ўқувчи «Камолот» стипендианти бўлди.

«Алломин» достонининг 1000 йиллиги олдидан ҚУЗУҚАРЛИ УЧРАШУВ

Сурхондарё вилоят бо-лалар кутубхонаси билан Термиз шаҳридаги касб-хунар лицейи ҳамкорлик-да ташкил этган «Алло-миш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган учрашув ёшларга гоёт катта таассурот қолдирди. Учрашувда «Достон - халқ ижоди» деб номланган китоблар кўргазмаси на-мойиш этилди. Неча минг

йиллик қадриятларимиз акс эттирилган бу қаҳрамонлик достони-нинг тарихи ва унинг бу-гунги кундаги аҳамияти ҳақида маърузалар тин-гланди. Достоннинг ай-рим лавҳалари бўйича тайёрланган томошалар кўрсатилиди.

Ч.ТҲҲАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ

«Камолот» жамғармаси татси-с этган махус муко-фотга тўрт нафар ёш сазовор бўлди.

Жойларда бозор инновация муассасаларини ва за-монавий бизнес асослари бўйича ёш тадбиркорлар тайёрлаш марказларини ташкил этиш ишлари олиб борилди. Чунки, Шахрисабз шаҳридаги «Бизнес-инкубатор» фаолияти диққатга сазовордир.

Йигит-қизлар учун «Конрал Аленаур» жамғармаси, «Каунтерпарт Консорциум» (АҚШ), «Славия-Сервис» ташкилотлари иштирокида семинар ва машгулотлар мунтазам ўтказилмоқда.

Жамғарма Халқаро ёшлар палатасига аъзо бўлди. У Япония, Жабуий Корея давлатларининг ёшлар таш-килотлари, Европа ёшлар клублари конфедерацияси билан мустақам алоқани йўлга қўйган.

Ҳозирда Республика ёшларининг «Турон» ташки-лотини тузиш борасидаги ишлар нўҳоясига етмоқда. Уни Умумжаҳон скаутчилар ҳаракати ўз сафига тақлиф этмоқда.

Миер Араб Республикаси ва Буюк Британиянинг юртимиздаги элчиҳонаси вакиллари билан ёшлар му-аммоларини ҳал этишга оид режалар тузилди. Марка-зий Осиё минтақасида иқтисодий ривожлантиришни режалаштириш PEDGA нодавлат ташкилотининг тақ-лифи билан уларнинг халқаро ташкилотлар билан ўтказётган тадбирларида «Камолот» ҳам бевосита иштирок этади.

Ҳарбий бўлинмаларда «Истиқлол» байрам дастури, ҳарбий спорт тадбирлари мунтазам уюштириляпти. Йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни жисмо-нан чиниқтириш мақсадидаги турли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. «Шуқорлар» ҳарбий спорт ўйини бунинг ёрқин мисолидир. Волейбол ва баскетбол бўйича «Камолот кубоғи» муваффақиятли давом этипти.

Жамғарма қошида «Амир Темур ўтган йўлар бўйлаб» халқаро илмий экспедицияси ташкил этилди. Натижада 20 қимтин иборат ҳужжатли фильм оли-нди, китоблар чоп этилиб, кўргазмалар ўтказилди.

«Камолот»нинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Шахрисабз-Тошкент йўналиши бўйича ўтказган кўп қулик супермарфонда ёшлар фаол қатнашди.

«Камолот» ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида халқаро ёшлар лагери ташкил этилди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳам-корликда «Ҳамшира-97», «Ҳамшира-98» кўрик-танлов-лари тиббиётчи қизларимизда катта қизиқаш уйғотди.

Жамғарма ташкил қилган меҳнат ярмаркалари орқали республика бўйича 6 мингта яқин ёшлар иш билан таъминланди.

ДУНЁ КАФТИМИЗДА

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ Президенти Билл Клинтон расмий ташриф билан Чилига келди. Чили пойтахтида Б.Клинтон билан ўрта мамлакат Президенти Эдуардо Фре-ем ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожла-тириш борасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар яку-нида АҚШ-Чили Декларациясини имзоланди. Унга кўра, икки мамлакат савдо-сотиқни ривожлантириш, сармодорлар фа-олиятини рағбатлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, паравуриш ва наркотик моддалар савдосига қарши кураш борасида ўзаро ҳамкорлик қилади.

Чилига сафар чоғида АҚШ Президенти 18-19 апрель-кун-лари бу ерда бўлиб ўтаётган «Саммит оф Америка» - Ғарбий ярим шардаги 34 давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувида иштирок этади.

А Н Қ А Р А. Туркия, Руминия, Болгария Президентла-ри - Сулаймон Демирэл, Эмил Константинеску ва Петр Стоянов уч мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлигига уштан жи-ноятчилик, одамларни гаровга олиш, кўрол-проф ва наркоти-к моддалар контрабандага қарши кураш тўғрисида бит-тин имзоландилар. Президентлар ўртасидаги келишувга би-ноан, келгусида уч давлат ўртасида эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги Қўшма декларацияга ҳам имзо чекиш-ди.

Унда республика «Бизнес-фонд»и бошқаруви раиси Али-жон Юсунов, биринчи ўринбосари Гулнора Юсунова, «Тад-биркорбанк» бошқаруви раиси Музаффар Собиоров ва банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Али Валиев қат-нашди. Тахрират меҳмонлари сизларнинг саволларини-гизини 1998 йил 27 апрель, душанба кун соат 15 дан 17 га қадар қуйидаги телефонда кутинишади.

133-89-61
133-95-67
(Тошкент шахрининг коди 3711)



Ислом КАРИМОВ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМ

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Юқоридаги фикрлар маънавият ва маданиятнинг бир қисми бўлган дин билан ундан муайян сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишларни аниқ ажратиб кўрсатади.

Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий рухий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилишни тарафдоримиз.

Ислом КАРИМОВ

Лекин биз ҳеч қачон диний давлатлар ҳокимияти учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонунсозликка аралашмиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг ҳавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий ҳавф-хатар деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализми -- ақида парастликнинг таҳдиди нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан.

Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор муслмонларнинг ислохотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда. Яхшилик йўлидаги ўзгаришларнинг устувор шартлари бўлган барқарорликни, миллий, фуқароларо ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишларда намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир.

Иккинчидан. Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибодор, аммо бақирок ва асоссиз даъватларга кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг кули бўлиб қолишини англашмиш лозим. Бу давлатлар охир-оқибатда бундай одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз бунга аниқ тасаввур қилиши лозим. Бундай нуфузли одамларга бўйсунмай қўйиш шахсий жожага айланган кетиши ҳам мумкин. Қўлларча мутелик, шахснинг эркинлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, сазъ-ҳаракат ва ташаббус кўрсатиш эркинлигининг мутлақо чекланиши бунинг энг оғир оқибатлари. Бизнинг тараққиёт сари интилишимизни эса фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Учинчидан. Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида "ҳақиқий" ва "сохта" диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол Жазoirида, Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

Тўртинчидан. Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин муслмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, муҳдис тасаввуруларини халқимизга ўзрўла қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

Бешинчидан. Муслмон ва номуслмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутидиган фикр тугдиришга уринишларда намоён бўлмоқда. Уларга бизни гоҳ динсиз дахрийлар қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар.

(Давоми бор)

Давр меники тақдиримда

Биринчи чакриқ Республика Олий Мажлисининг XI сессияси тобора яқинлашмоқда. Унда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича тахририятимизга кўнғироқлар бўлмоқда. Ўз навбатида

"Туркистон" мухбирлари ёшларнинг фикрларини билиш мақсадида жойларга чиқиб, йигит-қизлар билан учрашмоқда. Эътиборингизга "Қамолот" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ходимларининг дил сўзларини ҳавола этмоқчимиз.

Матлуба ТОҶИЕВА:
-- Сессияда кўриладиган масалалар бўйича гап-

ҚОНУНЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Радиган бўлсак, назаримда "Виждон эркинлиги" ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари ҳақида (янги тахрирда)ги масала киши диққатини тортиши табиий. Негаки, айрим ёшлар диннинг моҳиятини яхши тушунамай, нотўғри талқин этаётгани каби салбий ҳолатлар оз бўлса-да учраб турибди.

Алишер ҲОЛИҚОВ:
-- Мен "Оила кодекс" лойиҳаси ҳақида гапирмоқчи эдим. Мазкур лойиҳа аввало болаларни химоялашга қаратилган ҳужжатлардир. Болалар химояси эса оила химояси демекдир. Уларнинг етуқ, қомил инсон бўлиб етишишларида "Оила кодекси" муҳим аҳамиятга эга.

Мастура ТОҶИЕВА:
-- Алишернинг фикрларига тўла қўшиламан. Эндикда ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган масъулиятли дамларда оила қонун томонидан муҳофазаланган бўлмоғи лозим. Қара қўлланаётган қонунларга эса биз ёшлар бефарқ эмасмиз.

Нозима ИСЛОМОВА



Дастур қабул қилингани, иқтидорли ёшларнинг ҳар

муваффақиятли равишда таҳсил олишяпти. Бунга далолат сифатида АҚШ олий ўқув юртоларида таҳсил олаётган 99 нафар Ўзбекистонлик йигит-қизларнинг Мустақил Давлатлар Хамдўстиги давлатларида юборилган ёшлар ҳамда АҚШ талабаларига нисбатан бирмунча юқори натижаларга эришганликларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ўзбекистонлик талабалар АҚШдаги 4 баллик баҳолаш тизимида 3,35 балл олишга мўъссар бўлиб, олий ўқув юртолари раҳбариятининг таҳсил бераётган ўқитувчиларнинг катта эҳтиромига сазовор бўлишди.

«УМИД»НИНГ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ижрочи директори Маннон РАҲИМОВ билан суҳбат

Иқтидорли талабалар кирди. Бундай натижалар жамғарма томонидан танловнинг сифати ўтказилганидан далолат беради. Қолаверса, биз Беруний, Хоразмий, Фаробий, Фарғоний каби буюк алломаларнинг авлоди, бой илмий-маданий мерос ворислари эканимизни тасдиқлайди.

- Яқинда жамғарма томонидан янги ўқув йили учун навбатдаги танлов ўтказилди. Уларнинг якунлари тўғрисида нима дея оласиз?

- Хабарингиз бор, бу йил жамғарма томонидан чет эл олий ўқув юртоларида бакалавр ва магистр унвонлари учун таълим олишга ўтган йилгидан икки баравар кўп ёшлар юборилиши мўлжалланяпти.

Шу мақсадда йилнинг бошида жамғарма қабул комиссияси республикамизнинг барча вилоятлари вакиллари бўлган 1600 нафардан ортиқ ёш ўртасида танлов ўтказди. Ундан муваффақиятли ўтган йигит-қизларимиз ҳозирги кунда келусида чет элда таълим олиш билан боғлиқ бўлган жараёнларга тайёргарлик кўришяпти.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, яқин кўнларда тажриба ортириш /стажировка/ бўйича халқ ҳўжалигининг устувор соҳаларидан 100 нафар етакчи мутахассисни чет элларга юбориш мақсадида танлов бошланди. Бу йўл билан республикамиз мутахассислари дунёдаги етакчи компанияларнинг иш юритиш шакллари, ишлаб чиқариш технологиялари, менежмент ва маркетинг масалаларидаги тажрибасини ўрганиб келадиган ва уни халқ ҳўжалигимизда татбиқ қилиш имкониятига эга бўлишадди.

- Жамғарма фаолиятини тақомиллаштириш борасидаги ишлар, келгуси ҳафтада қандай бўлжасак...

- Тажриба камлигига қарамастан, қисқа вақт ичида танлов жараёнларини ўтказиш тартиби тасдиқланди, синовларни ўтказиш учун республикамизда танилган етакчи мутахассислар, фан арбоблари, машҳур ёзувчи ва шоирлар жалб этилди. Фурсатдан фойдаланиб юқорида зикр этилган ишларнинг рўёбга чиқишида ўз ҳиссасини қўшган барча юртдошларимизга, турли соҳалар бўйича комиссия аъзоларига, хусусан, Банк-молия академияси жамоасига, бошқа хомийларимизга ўз миннатдорчилигини изҳор этмоқчиман. Ўйлаيمанки, бир-икки йилдан кейин чет элда таълим олиб қайтган ёшларимиз республикамизнинг иқтисодий-сиёсий мустақиллигини муостақамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари билан миннатдорликларини билдирашадди.

Келажакдаги ишлар ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда танлов ўтказиш тартибининг янада тақомиллаштириш зарур. Президентимиз грантини олишга даъвогар ёшлар орасидан, ҳақиқатдан ҳам истеъодли, Ватанга садоқатли, фидойиларини бехато танлай олиш керак. Шу мақсадда келгусида мактаб ўқувчилари орасидан, айниқса республикамиз вилоятлари вакиллари орасидан танланган иқтидорли ёшлар учун жамғарма қошида махсус академик-лицей ташкил этишни режалаштириб қўйганмиз. Олдимизга қўйган режаларимиздан яна биттаси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда чет тилларни ўрганиш бўйича махсус марказ эки курслар ташкил этишдир. Бу масалага алоҳида эътибор бераётганимизнинг сабаби кўпчилик вилоятларимизда чет тилини ўргатиш даражаси ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Бунинг натижасида эса ўз соҳаси бўйича иқтидорли бўла туриб, чет тилини яхши билмаслиги боис кўпгина ёшларимиз танловда иштирок эти олмапти. Махсус тил марказимиз эса бу камчиликларни йўқотишга бевосита ёрдам беради.

Бундан ташқари, чет элда ўқиётган ёшларимизнинг қўндалик ҳаётидан, янаш шароитидан хабардор бўлиб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда бу масалалар ҳорижий давлатлардаги элчихоналаримиз, ҳамкор ташкилотлар ҳодимлари орқали амалга ошириладиган бўлса, яқин келажакда элчихоналар қошида жамғармаимизнинг махсус вакиллари орқали ҳаётга татбиқ этилиши мўлжалланяпти.

- Маннон ака, жамғарма йўлнамаси билан ҳорижда ўқиётган ёшларимизнинг билим даражаси юқори эканини айтиб ўтдингиз...

- Ҳа, бизнинг вакилларимиз ўқиш жараёнида билимга чанқоқ, тиришқоқ эканликларини намоён этмоқдалар. Бунинг исботи ўлароқ, илк қалдиришларимиз - 1997 йил танлови гойибларидан 15 нафари АҚШ ва Буюк Британия олий ўқув юртоларидаги таълим олиш босқичларини муддатидан олдин муваффақиятли тугатиб, ҳозирда диплом ҳимояси билан машғул эканликларини айтиб ўтиш мумкин.

Улар Ватанимизга ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича бакалавр, магистр унвонига эга бўлиб қайтишадди. Ишонаманки, улар эртаги кунда халқ ҳўжалигимизнинг энг долзарб, устувор йўналишларида чет элда олган билимларини қўллаган ҳолда Ватанимизнинг иқтисодий мустақиллиги муостақамлашига ўз ҳиссасини қўшадилар.

Муҳтасар айтадиган бўлсак, «Умид» жамғармасининг фаолияти халқимиз илм-зиё салоҳиятини юзага чиқаришга, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга, Президентимиз айтганларидек, жаҳон тажрибаси ва билимларини эгаллашда ёшларга қанот бўлишига қаратилгандир. Бизнинг тажрибамиз билан МДХдаги айрим давлатлар ҳам қизиқайгани шундан далолатдир.

Суҳбатдош Аҳмад ХўҶА
ЎЗА

"ҚАМОЛОТ"НИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

"Қамолот" жамғармаси ташкил этилганига ҳам икки йил тўлди. Қисқа вақт мобайнида "Қамолот" жамғармаси Хоразм вилоят бўлими ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритди.

Бугунги кунда вилоятимизда 447 минг нафар ёшлар бор. Уларнинг иш, ўқиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам қўрсатиш жамғармаимиз фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоятдаги мазҳуд олий ва ўрта махсус таълим юртолари, мактаблар билан муостақам алоқалар ўрнатилиб, уларнинг барчасида жамоатчилик марказлари фаолият кўрсатмоқда.

12 та шаҳар ва туман бўлими қишлоқ ёшлари ўртасида самарали натижаларни қўлга киритмоқдалар. Турли тадбирлар, кўрик-танловлар ҳамда учрашувлар ўтказмоқда. "Қамолот" ташаббуси билан уюштирилган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови барча олий ва ўрта махсус билим юртолари, мактабларда ўтказилди.

Мазкур кўрик-танлов ёшларни мамлакатимизда амалга ошириладиган ҳуқуқий ўзгаришлар, янги қабул қилинаётган фармон ва қарорларни ўрганиш, ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

"Қувноқлар ва зуққолар", "Баҳор-98" (Урганч шаҳар "Қамолот" жамғармаси ташаббуси билан) кўрик-танловлари ҳам қизгин ўтказилди.

Албатта фойдали тадбирларнинг ўтказиш фаолиятининг асосини ташкил этади. Ёшлар ўртасида турли қонунбузарликлар, жинойятчиликнинг олдини олиш мақсадида мактаб, маҳалла ҳамда ҳуқуқ тартибот идоралари билан ҳамкорликда олиб бориладиган турли мулоқотлар, суҳбат кечалари ҳам ёшларда катта таассурот уйғотмоқда.

Вилоят телерадиоканпоанияси вилоят ички ишлар босқармаси билан ҳамкорликда "Уемир ва қонун" очик студияси ташкил қилинди.

Албатта, ҳар бир иш аввало иқтисодга бориб тақалади. Маълумимиз қанча кўп бўлса, қўлимиз ҳам шунча узун бўлади. Бу борда айрим қийинчиликлар ва муаммолар бўлса-да, жамғарма қошида фаолият кўрсатаётган фирма ва кичик корхоналар ҳисобидан иқтисодий муаммоларимизни ҳал этипмиз. Ана шулар ҳисобига кам таъминланган ёш оила-лар, ижтимоий муҳофазат муҳтож бўлганларга ҳар жиҳатдан моддий ёрдам кўрсатиб бораймиз.

Шундан хурсандимизки, ўтган қисқа вақт мобайнида "Қамолот" жамғармаси жойларда ўз ўрни ва ҳурматини топиб, обрўли ташкилотлардан бирга айланди.

Пирназар ИБОДУЛЛАЕВ,
"Қамолот" жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси

ЁШ БАХШИЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Адабиёт институти ҳамда Қашқар вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда 1998 йилнинг 8 май кўни Қарши шаҳрида "Алломон" дostonи яратилганининг 1000 йиллигини нишонлаш тадбирлари доирасида ёш бахши-шоирларнинг (35 ёшгача) Республика кўрик-танловини ўтказилди.

Кўрик-танлов иштирокчилари ёш авлоднинг истеъодли дastурида миллат бирлиги ва маънавий ўғаниш, миллий гуруҳ ва ўз-ўзини англашга даъват этишчи сармазмон асарлар (Лотсон, халқ термалари, кўшиқ ва ўз ижод намуналарини) ижро этишлари мумкин.

Ҳар бир ёш бахши-шоир учун 20 дақиқа вақт берилди. Кўрик-танлов қатнашчиларининг ижрочилик маҳорати, ижро этиладиган асарларнинг мазмунини, овоз ва созларнинг уйғунлиги, дастурнинг тўғри баъдий даражаси 10 баллик мезон билан баҳоланди.

Кўрик-танлов гойибларига қўйилган муқофолар:

- Биринчи ўрин -- ДЭУ рангли телесери;
- Иккинчи ўрин -- "Семур" телесери;
- учта учинчи ўрин -- касетали магнитлар. Шунингдек, соғинадорларга Улуғбек жамғармасининг дипломлари берилди. Ушбу кўрик-танлов Қарши шаҳри, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат бонди ўтказилди.

Кўрик-танловга марҳамат!

Маълумотлар учун телефонлар: 45-26-45, 45-23-48, 45-96-96.

Манзилимиз: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй.

Улуғбек Жамғармаси бошқаруви

